



ТОШПУЛАТ ТОЖИДДИНОВ — 1957 йилда Бухоро вилоятининг Вобкент туманида туғилган. Тошкент Давлат Дорилфунунининг шарқшунослик куллиети Араб тили бўлимини имтиёзли диплом билан тугатган.

Ислон тарихи ва моҳиятига бағишланган бир неча китоб, рисола ва мақола-лар ёзган.

Янгича тафаккур, эътиқод таъсири, Аллоҳнинг инояти сабаб ўзи бошқариб турган Академияни яратиш ташаббуси билан чиқди ва шу Академияни Халқ дипло-матияси фонди қошида тузишга муваффақ бўлди. Академиянинг президиуми Москва шаҳрида жойлашган.

Ўзбек, араб, форс, тожик, рус тилларини яхши билади.

Инглиз, олмон, турк тилларини тушунади. Оилали — икки ўғил, икки қизининг отаси.

Доим изланишда, ўз юрти учун жон фидо йнгитлардан. Миллатининг маърифий, маданий, иқтисодий ривож топиши учун астойдил бел боғлаган.

Халқимизда «қирқ кунда билолмасанг, қирқ йилда ҳам билолмайсан» деган нақл бор. Учқур асримиз учун ҳар иккиси ҳам катта муддат. Негаки бугун техника ас-рини тараққиётнинг шакланган улкан янгиликларни бизнинг хизматимизда. «Тоғ юлдузи» бугун ўз саҳифа-сида янги руҳи «Танишув»ни очар экан, сиз билмаган, аммо танишни истаган кишилар ҳақида ҳикоя қилади. Зеро, республикамиз ўз мустақиллигига эришди. Энди уни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш, давлатимизни жа-ҳоннинг илғор мамлакатлари қаторига қўшиш ҳар бири-мизнинг шарафли бурчимиздир. Шу улғу мақсад йўли-да меҳнат қилаётганлар ҳақли равишда замонимиз қаҳ-рамонларидир. «Танишув» сизларга уларни таништириб боради.

Бугун ушбу руқимизнинг биринчи меҳмони Маданият ва умуминсоний қадриятлар Халқ академияси Прези-денти Тошпўлат ТОЖИДДИНОВдир.

Лекин гап бу ҳақда эмас. Мен сиз ҳақингизда, ном ҳақида, фарзандлик бурчи ҳақида гапирмоқчиман.

Ҳа, биз, биз тенги авлод Фрунзе қилч билан, ёвуз-лик билан бўйсундирган Бу-хорода туғилдик. Начора, туғилажак авлод, зурри-ётлар вақт танлаб, замон, тузум танлаб туғилмайди. Туғилиш Аллоҳдандир.

Биз бир эмас, икки бай-роқ остида ўсдик, улғайдик. Минг шукурлар бўл-синким, улғайганимизда Ва-танимиз — Ўзбекистон озод бўлди. Озодлик учун кура-шиб, шаҳид бўлган барча юртдошларимизнинг руҳи

аҳлига аён деб ўйлайман. Ўзини саҳоват, хайрия иш-ларига бағишлаган киши-нинг қалби нечоғли улкан, мусаффо бўлиши ҳам аввало Аллоҳдандир.

Сиз қишлоқда туғилдин-гиз. Вобкентнинг улкан ми-нораси кимларни ҳайратга солмаган. Аждодларимиз қў-ли, ақл-заковати билан бунёд этилган ушбу ми-нора биз — авлодларга ме-рос бўлиб қолди. Катта ми-норага кўзи тушиб улғай-ган Тошпўлат балки мурув-вату эзгулининг, юксак-лининг илк сабоғини ана шу бобомерос минорадан олган бўлса ажаб эмас.

исинди. Истаймизми-йўқми барибир ўтмишни эслаймиз. Ўтмиш — сабоқ, аччиқ са-боқ.

Энди юртга асл ўғлонлар керак. Мустақиллик дарси-дан, маънавий қадриятла-римиздан сабоқ берадиган муаллимлар керак. Худди шундай дамда биз, ҳам-юртларингиз, қадим Бухо-роининг пишиқ, асрларни аср-ларга улаб, қиёфаю номини йўқотмаган тошларига мо-нанд Тошпўлат номингиз-ни эшитдик. Халқимиз тарихи, ўзлиги, маънаея-тини танишида беқиёс хо-лис хизматини аямаётган, шу йўлда фидойилик кўр-сатаётган газета-ойномалар-га моддий ёрдамга шай-ланганингизни билиб, бо-шим кўкка етди. Бугун фақат нон-туз билангина қад ростлаш мумкин эмас. Миллатнинг тўқислигига энг одил мезон, бу, аввало, маънавият, ўзлични топиш, маърифатдир.

Президент жаноблари, Сизнинг кўп эзгу ишларингиздан барча хабар-дор. Вобкентда аёллар учун алоҳида, эркаклар учун алоҳида масжид қурилиши-га бош қўшганингиздан ҳам огоҳимиз. Бу улғу иш, албат-та. Ушбу иншоот қурилиш-

Фарзанддорнинг қаноғи

шод бўлсин... Бугун озод-лик — истиқлол учун ким қанча улуш қўшди — ҳи-соб-китобини оладиган фурсат эмас. Ватан учун хизмат қилишнинг фурсати ҳеч қачон ўтмайди, эзгу-лининг эрта-кечи йўқ. Ва-тан ҳар бир фарзандига шу қадар имкониятлар яратганки, пушаймондаги сотқин ҳам, қўли қон гу-ноҳкор ҳам халқи, миллати учун лоақал бир кунини бахшида этса — улғуради.

Бугун Ўзбекистондаги иж-тимой, иқтисодий сиёсий вазият бирлаштириш, ҳар қандай амалу гуруҳбоз-ликлардан устун туриб, мустақиллиқни ҳимоя қи-лишга чорлайди. Ҳеч ким-ни ҳеч қачон фурсат кутмай-ди, аксинча биз бандаси фурсатни кутиб яшаймиз.

Ўзбекистон ойнаи жаҳон-и орқали Сизнинг Прези-дентимиз Ислон Каримов жаноблари билан учрашу-вингиз тафсилотларини эшитиб, фақат қувондим. Фурсат зиқ, ғанимат дам-ларда ҳам Президентимиз Ўзбекистоннинг ғам-ташвишини тушунган. ҳис қилган ва шу мақсад-да ўз аниқ режа-тадбирла-рига эга бўлган кишиларни қабул қилиб, уларни тинг-лаяпти.

Бугун Сизнинг амалий ишларингиз республика

Ҳа, бизнинг аждодлари-миз мадраса кўрган, мас-жид кўрган, имон-эътиқод йўлида тиз чўкиб, сажда-га бош қўйган аждоддир. Бу юртнинг фарзанди ўз-лигини танимаслиги мум-кин эмас. Узоқ давом этган қарамлиқнинг энг оғир асорати шу бўлдики, мил-лат сифатида парчаланиб, ака-укадан узоқлашиб, бир-биримизни танимайдиган даражага етдик. Ялпи но-чорлик, иқтисодий танглик қуршовида қолдик. Тур-мушнинг оддийгина қўлай-ликларидан четда, ночор уйларда тиқилиб яшадик. Қайта қуриш шарофатию Президентимиз Ислон Ка-римовнинг миллатпарвар-лик фармонлари боис хал-қимизга умид, имконият-лар эшиги очилди. Эндиги ҳаракат барчадан, имконни қўлдан бермаслик, бу йўлдаги саъй-ҳаракат кўп-чилик томонидан амалга оширилади.

Дунё бизни кузатиб ту-рибди. Аввал ҳам кузат-ган. Кимдир томошабин, кимдир мухолиф, яна ким-дир пайт пойлайди. Энди бизнинг оёғимиз тойишига ҳаққимиз йўқ. Қўлларча меҳнатимизнинг гаштини бировлар сурди. Элимиз насибаси ҳисобланган ер ости, ер усти бойликларимизнинг ҳовурига ўзгалар

шининг биринчи кунни қария-лар фотиҳа бериб иш бошланган кунда мен ҳам қатнашдим. Шу кунни сиз-нинг номингиз бот-бот эс-ланди, ота-онангиз, авлоду аждодларингиз шаънига кўп илиқ гаплар бўлди. Узоқда бўлсангиз-да, Сиз-га дуолар йўллашди. На-заримда, шу кунни Сизнинг юрагингизда халқимизга яна-да улғу хизматлар қилиш, меҳр-мурувват кўрсатиш истаги туғилган бўлса ажаб эмас. Доимо яхшиликка ун-довчи, фарзандлари учун дуога қўли очик халқимиз бор экан, биз бахтлимиз.

Узоқда Ватанинг бўлса, йнғлайсан, — дейди шоиримиз. Ватанимиз борлиги учун куюндик, курашдик. Ватанимиз борлиги учун йўқотдик, мана, нияту иста-ларимиз якунига етиб келдик — Ўзбекистон яна бизники.

Дунёда ўз Ватанига эга-лик ҳуқуқидан маҳрум бўл-маган ҳар бир инсон бахт-лидир. Аллоҳ бизга шундай улғу бахтни насиб этди. Ўзига ҳадсиз раҳмат ва шукурлар бўлсин.

Тошпўлат жаноблари! Сиз билан гойибона таниш-дим, яхшилик, очик юз билан ошқора учрашгунча хайр. Эҳтиром ила ҳамюр-тингиз:

Ражаббой ОТА ТУРК,

ХАЙРИЯ МАРАФОНИГА МАРҲАМАТ!

Кўшиқни севмайди-ган, уни мириқиб тингламайдиган инсон бўлмаса керак. Кун-дан-кунга жумҳурия-тимизда турли даста ва гу-руҳлар пайдо бўлиб, кўшиқ-чилик эстрада жанрига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Ана шундайлардан бири «Юлдузлар» гуруҳидир. Унинг солисти Алишер Хо-лиқов ижро этган кўшиқ-ларни ҳаммамиз севиб тинг-лаймиз. Ҳали ёш бўлишига қарамай бу гуруҳ кўшиқ-севарларнинг муҳаббатини қозонгандир.

Яқинда Ўзбекистон Еш-лар Иттифоқи Тошкент ша-ҳар кўмитасига сеvimли «Юлдузлар» гуруҳи ажойиб бир таклиф билан келди. Улар бир савобли иш — Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб «Ал-поминиш» спорт ўйингоҳида хайрия концертини уюшти-роқчи эканликларини ай-тишди. Бу таклиф шаҳар кўмитасига жуда маъқул тушди. Марафондан тушган маблағ ногирон болалар, кам таъминланган оилалар, ота-онасиз ва болалар уйлари-нинг тарбияланувчилари-га моддий ёрдам сифатида тақсимланадиган бўлди.

Агар сиз ҳам бу савобли ишга ўз ҳиссангизни қўш-моқчи бўлсангиз, «Ал-поминиш» спорт ўйингоҳида 5, 6, 7 июнь кунлари бўлиб ўтадиган хайрия марафонига марҳамат қилинг. Еки кўн-лингизга тугган ҳадаингиз-ни қуйидаги ҳисоб рақами-га ўтказинг:

000700633 МФО 172682403 Ўзбекистон Жум-ҳурияти Акционер-Тижорат Агропром Банки. Тошкент шаҳар Ешлар Кўмитаси «Хайрия марафони».

А СЛИДА бирон иш ниҳоясига етган-да, уни бажарган ки-ши босиб ўтган йўлига бир назар ташлайди. Сизда ҳам борми бу одат? Унда бир назар ташлайлик: 1 сентябрь — янгигина таъ-мирланган, жиҳозланган синф хоналари, янги фан-лар, қийинроқ, мушкулроқ масала ва мисоллар, ёзма ишлар, иншо ва баёнлар... Сиз уларда нималарга қо-дир эканлигингизни, фикр-лаш доиранингизни кўрсата ол-дингизми? Нималарни йил давомида ўргандингиз? Им-тиҳонлар олдиндан шу каби саволларга жавоб бера ол-сангиз, демак, бир йил да-вомида сиз билуми поғона-сидан яна юқорилдингиз. Энди эса синовлар...

Эзги таътил бошланиши билан эса болаларнинг маъ-нат чораклари авж олади. Бу чорак асосан барча бя-лимгоҳларда синф хонала-рини таъмирлашдан бошла-



8-СИНФГА ЎТДИК БИЗ



нади. Дераза ромлари, эшик-лар, пол чиройли бўёндан чиқарилади, деворлар оқар-тирилади. Бу ишнинг ўқи-тувчилар билан бир қаторда болалар ҳам бажаришга тгани яхши иш. Сабаби, ҳар ким ҳам ўзи бажарган ишга эҳ-тиёт билан қарайди, уни ас-раб-авайлайди. Бунинг усти-га ёшлар меҳнат қилишига ҳам ўрганишади.

СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳридаги 83-мактабнинг 7-«А» синф ўқувчилари му-аллимлари М. Тўғанова раҳбарлигида имтиҳон топ-шириб чиқашди.

8-синф ўқувчилари синф-ларини таъмирлашмоқда.

Сураткаш Р. АЛЬБЕКОВ.

ИЙМОН араб тилидан олинган сўз бўлиб, «тасдиқлаш» деган маънони англатади. Шариатда эса «Аллоҳнинг бор ва ягоналиги, ҳамда Муҳаммад алайҳиссаломни Аллоҳнинг элчиси (пайгамбари эканини тасдиқ қилмоқдадир. Бу «Ло илоҳа иллолоху Муҳаммадур расулуллоху» калимасидир.

Юқоридаги оятларни қуруқ ёдлаб олиш, қайтариб юриш билан иш битмайди. Балки, маъносини чуқур тушуниб, унга дилдан амал қилиш лозим. Ва мазкур фазилят эвазига иймонлилар кофир (Аллоҳни тан олмайдиган), мушрик (Худога шак келтирувчи) динсизлардан ажралиб турадилар.

Аллоҳга чинакам ишониш, иймон келтириш учун яна унинг саккиз субутий (бор бўлган) ва икки салбий (йўқ бўлган) сифатларини билмоқ керак. Пайгамбаримиз Аллоҳнинг каломи Қуръони карим буйруқ ва кўрсатмалари орқали уларни кенг ва муфассал баён қилиб берганлар. Бу сифатлар қуйидагилардан иборат.

СУБУТИИ СИФАТЛАР:

1. ХАЁТ, яъни Худо доимо тирик. Унинг мангулигининг аввали ҳам, охири ҳам йўқ. Бироқ Худонинг тириклиги инсонга ҳайвонларга ўхшаш жисм ва жасад кўринишида бўлмай, балки ҳеч нарсага ўхшамаган ўзига хос тирикликдир.

2. ИЛМ, яъни Худо билади. Билимининг поёни йўқ. Ўтган нарсаларни ҳам, келажакдаги нарсаларни ҳам, катта ва кичик, ошкора ва яширин нарсаларни ҳам билади. Қисқаси ер ва осмондаги бирон ҳолат Аллоҳ илмидан ташқарида эмас.

3. ҚУДРАТ, яъни Аллоҳ барча нарсага қодир. Қудратининг чеки йўқ.

Унинг хоҳлаган нарсасигина бўлади. Масалан, унинг хоҳишисиз чексиз ўрмон дарактларидан бирор барг ҳам бандидан узилмайди. Шубҳасиз ер ва коинотдаги бирон-бир ўзгариш Аллоҳнинг хоҳиши билангина амалга ошади.

7. КАЛОМ, яъни Худо гапирди. Одам Алайҳиссаломдан пайгамбаримиз Муҳам-

Муҳаммад Латиф ЖУМАН:

ИЙМОН НИМА?

4. БАСАР, яъни худо кўради. Кеча-кундузи, катта-кичкини баробар кўради. Ундан ҳеч бир хатти-ҳаракат, қилмиш ёки гуноҳ яширин қолмайди. Бироқ худонинг кўриши биз, одамлар, каби кўз билан кўришга ўхшамайди.

5. САМЪ, яъни худо эшитади. Шивирлашу ҳайкириқни бирдай эшитади. Еру осмонда айтилган ҳар қандай сўз ва фикр унга аён. Парвардигорнинг эшитиши бизу сиздек қулоқ билан эмас.

6. ИРОДА, яъни Худо

мад алайҳиссаломгача ўтган пайгамбарларга юборилган китоб ва саҳифалар Аллоҳнинг каломи (гапи)дир. Лекин унинг каломи сизу биз каби оғиз, лаб, тил орқали эмас, балки ўзигагина хосдир. Ҳамда; сўз, ҳарф ва товушлардан иборат эмас. Қуръондаги ҳарф-товушларга келсак, у инсонларни ўқий олишлари учун кейин пайдо бўлгандир. Аллоҳ таолодан шу кунгача 4 та китоб туширилган. Улар — Забур-Довуд алайҳиссаломга, Таврот-Мусо алайҳиссаломга, Инжил-Исо алайҳиссаломга, Қуръони карим

Муҳаммад алайҳиссаломга юборилгандир. Бундан ташқари, яна бир неча пайгамбарларга бўлак-бўлак саҳифалар ҳам нозил қилинган.

8. ТАКВИН, яъни Худо яратади. Унинг яратиши қўл билан ё куч ишлатиб амалга ошмайди. Балки биргина «бўл» деган сўзнинг ўзи унинг учун кифоя қилади.

САЛБИИ СИФАТЛАРИнинг биринчиси парвардигор айбсиз, иккинчиси — Худонинг шериги йўқ. Демак, Худо айбсиз ва яккаю ягона ибодат қилинишга лойиқ зотдир.

Мана шундай қилиб сизларга қисқача Аллоҳга иймон келтириш қандай бўлишини айтиб ўтдик. Қани айтинг-чи, мана шундай иймон келтирган, унинг сифатларини билган киши, бирон ёмон, беодоб ишга қўл урадими? Сира ҳам. Зероки у Аллоҳ унинг ҳар бир ҳаракатини кўриб турганини, ҳар бир сўзини эшитаётганини ва ҳар бир фикрини билиб турганини ҳис қилиб туради-да.

Худога шу тариқа иймон келтирган кишининг булар-



дан ташқари кейинги шартларини ҳам бажариши лозим Уларни эса пайгамбаримиз кўрсатмаларидаги ўрганиш мумкин. Пайгамбаримиз, ҳам ҳавасим келди. «Иймон 60 дан ортиқ қисмдан иборат. Уларнинг энг биринчиси «Лоилоху иллолоху...» калимаси бўлса, энг охириси кўчада, одамларни ўтишга ҳалақит берадиган нарсаларни четга олиб қўйишдир». Демак, азия болалар иймонли киши Расулulloх айтган 60 дан зиёд са-воб-хайрли ишларни яхши-лаб ўрганиб, беками-кўст бажармоғи керак экан. Акс ҳолда уни чин маънода иммонли десак тўғри келмайди.


Ассалому алайкум раҳматуллоху барокатух.

В. ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади.

МИННАТДОРМИЗ!

Рўзномаимизнинг оғир иқтисодий авҳолда қолганини билган Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси ўқув ишлари вазирати Муҳаммад Латиф Жуман рўзнома ҳисобига 6 минг 300 сўм ҳада қилдилар. Саҳоват учун улардан чексиз миннатдоримиз.

«ТОНГ ЮЛДУЗИ» жамоаси.



Рассом Д. ПАРПИЕВА.

— Сизнинг ҳинд мусиқаси ва қўшиқларига, умуман, шу мамлакатга бўлган муҳаббатингиз қачондан бошланган?

— Ҳиндистон... Бу мамлакатнинг номини эшитган ҳар бир инсоннинг қалбини ҳаяжон босади. Чунки, унинг довуғи бутун жаҳонга «мўъжизалар, эртақлар мамлакат» сифатида тарқалган. Ҳиндистоннинг бизнинг юрт билан алоқаси қадимдан мустаҳкам бўлган. Биргина буюк бобокалонимиз Зиҳриддин Муҳаммад Бобур қилган улғу ишлар ҳинд халқи хотирасида абадул-абид унутилмасдир. Бу юртга менинг муҳаббатим эса ҳинд фильмлари, гўзал ва мафтункор куй ва қўшиқлари, рақслари орқали куртаклаган. Машҳур киноюлдузи Раж Капур ижросида фильм берилган бўлса, ҳар қандай ишимни ташлаб, албатта томоша қилардим. Ундаги қўшиқларни ёдлаб олганча қўямасдим. Дўстлар, муҳлислар ўртаси-

БОЛАЛИГИМ СЕҲРЛАГАН ҚЎШИҚЛАР

МАШҲУР САНЪАТКОР, ҲАЖВИЙ ҚЎШИҚЛАР ИЖРОЧИСИ ШЕРҚУЗИ ҲОЗИЕВ БИЛАН МУСОБАҲА

да ҳинд қўшиқлари ижроси сифатида тилга тушишга муваффақ бўлганимдан кейин у юртга боришга имкон туғилди.

...1990 йилда мен рафиқам билан биринчи мартаба Ҳиндистонга бордик. Мақсадимиз у ердаги санъат аҳли билан «Ханда» дастамиз ўртасида алоқа ўрнатиш эди. Раж Капурлар оиласи билан учрашдик. Борган кунимиз Раж Капур кинофильларида қўшиқ куйлаган Ҳиндистоннинг буюк санъаткори Мукеш ҳамда Раж Капур хотирасига бағишланган байрам бўлаётган экан. Концерт охирида бир пайт «жаноб Шерхонга навбат» дейишганда жуда ҳам ҳаяжонланиб кетдим. Раж Капурнинг «Сангам» киносидан «Боли Ратҳа, Боли Сангам» деган қўшиқни куйлаб бердим. Қарсақлар билан олқишлашди. Бўйнимга «Сен ҳақиқий Раж Капур шоғирдсан», дея гулчамбарлар ташлашди.

— Ҳиндистонлик болалар



ни ўзлари тайёрлаган миллий таомлар билан меҳмон қилишди.

У ерда ота-оналар болаларини уч ёшидан бошлаб меҳнатга, ўз номини топишга, ишбилармонликка ўргатишади. 8—10 ёшли болалар оддийгина симдан кўзингизнинг олдида велосипед, қўғирчоқ ёки бирон бир нарса ясаб:

— Соҳиб, шуни совғага сотиб олинг, арзонга берман, — деб савдолашади. Ҳиндистондаги бир воқеа қалбимда чуқур из қолдирди. Савдо расталарини айланиб юрсам, уч ёшлар чамасидаги бола бўйнига яшиқ осиб олиб:

— Соҳиб, туфлигингизни тозалаб берсам майлими? — деса-я.

Мен унга қараб, ҳам ачиндим, ҳам ҳавасим келди. Орқасидан анча вақтгача тикилиб қолдим. Кўча чанги-тиб, шаталоқ ўйнайдиган чоғида, оила ташвиши ҳам шу гўдакнинг бошига тушганлиги кишининг қалбини эзиб юборар экан.

Дилдора ТОНРОВА.

Суратда: ҳиндистонлик Ашак Бхандарей Шерқузи Ҳозиев билан биргаликда «Халқлар дўстлиги» концерт саройида.

БОЛАЛАР — ЖОНУ ДИЛИМ

Жаъжи қизалоқлик чоғлариданоқ қўғирчоқларига «тарбия бериб» «мен боғча опаман», дея яхши ният қилган Олия опа Жумаевани орзулари ушалган, бахтли аёллардан десак, ҳақ бўламиз. Болаликдаги соф ниятлари ҳамроҳ бўлиб, Ушинский номли педагогика билим юртига ўқишга киради. 1957 йили билим юртини тамомлаб, Пешку туманидаги «Гунча» болалар боғчасига ишга келган чоғларида Олия опа ҳали тажрибасиз бўлганидани, мустақил иш юритишдан биров чўчиган эди. 35 бола тарбияланадиган бу боғча ўша даврда ягона саналарди. Ҳозирги кунга келиб боғча тарбияланувчиларининг сони 300 нафардан ошиб кетди.

Орадани йиллар ўтди. Қийинчиликлар, тажрибасизлик ортда қолди. 36 йилдан буён мудирлик вазифасини ардоқлаб келаётган Олия опа Жумаева тарбиясини кўрган, бир пайтлари ота-оналари қўлларидан етаклаб келган болакайлар ҳозирги кунда ўзлари ҳам дада, ойна. Улар турли соҳаларда халқ хизматидалар. Шоғирдлари Раҳима Ҳикматова, Муҳаббат Рамазоновалар ҳам боғчаларда мудирлик қилишмоқда.

СУРАТДА: Пешку туманидаги «Гунча» болалар боғчаси мудираси, Ўзбекистон Халқ маорифи аълоқиси Олия опа Жумаева набираси Ферузга эртақ сўзламоқда. Сураткаш Н. САИДОВ.

Қадим-қадим замонда
 Бир амир ўтган экан.
 Онҳазратнинг довуғи
 Оламини тутган экан.
 Забт этган юртига у
 Адолат жойлар экан.
 Уйда эса малика
 Йўлиғи пойлар экан.
 Утиб орадан кўп йил,
 Амир йиғиб катта куч
 Бораётса, йўлида
 Келибди бир қалъа дуч.
 Катта деса каттамас,
 Кичик деб ҳам бўлмасмиш.
 Шувдоғ ўтиб кетишга
 Амир кўнгли тўлмасмиш.
 Жаягга чорлаб янграбди
 Етти карнай жўр бўлиб.
 Бироқ қўшиғи қайтибди
 Шарманда-ю хўр бўлиб.
 Амир қўнғини тўплаб
 Берибди таскин, далда.
 Бироқ таслим бўлмабди
 Қалъа иккинчи галда.
 Жанглар этибди давом
 На боши на кети бор.
 Қайтибди лашкар ночор
 Хужум қилиб етти бор.
 Шунда амир бекларни
 Чодирга тўплабди.
 Зимдан нагар солганча

Аҳл қилмишлар қайтмоққа.
 Илож йўқ бироқ буни
 Жавоб хатда айтмоққа.
 Бу мактуб ёт қўлларга
 Тушиши бор. Узоқ йўл.
 Хабар топса беклар ҳам
 Амирга-да силтар қўл.
 Айтсинми ёшлар олсин.
 Дея улар ўрнини?!
 Ҳарб ишига тикмовди
 Хотин бўлиб бурини.
 Шу пайт бир тўп канизак
 Қайтиб гулзор сайридан.
 Тутибдилар бекага
 Атиргул, Гулхайридан.
 Гул бўйидан беканинг
 Ором топибди жони.
 Ва жавоб йўлламоқнинг
 Топилибди имкони.
 Обдон ўйлаб, фикрлаб
 Келиб қатъий қарорга
 Чопарга юртин дебди.
 Гуллар тўла гулзорга.
 «Бу гулларга тикилсанг
 Танингдан дард арийди,
 Бироқ энг нафис гул ҳам
 Хазон бўлар, қарийди,
 Хуллас сенга бир юмуш:
 Хам хизмат, ҳам ҳордиғинг.

Кўчат қилиб қайтгани.
 «Бўпти, борғил, овозсан,
 Йўл сўнида олгин дам».
 Дея Амир ўрнига
 Ултирибди хотиржам.
 Шом асноси қирқ бекни
 Амир яна тўплабди.
 Юзидан нур ёғилиб
 Сўзга оғиз жуфтлабди.
 «Чопар қайтди

пойтахтдан
 Ошиб юртнинг тоғини.
 Неваралар йиғлармиш
 Боболарин соғиниб.
 Бугун бунда сўнги тун
 Базм қуриб ётайлик.
 Энг яхши чоғирларнинг
 Мазасини тотайлик».
 Музбачалар шошибди
 Жом-кўзалар кўтариб,
 Бахши эса бекларга
 Берибди шундай таъриф:
 «Тоғлар кўкка чўзар бўй
 Сувлар сойга энади.
 Бизларнинг бедовларни
 Неваралар минади.
 Каттиқ шамоллар эса
 Қуриган шох синади.
 Биз минган бедовларни
 Неваралар минади.
 Умр сабзаси узра
 Қор-қировлар инади.
 Биз қолдирган бедовни
 Неваралар минади.
 Бир пайт ўзандан тошган
 Бўтаналар тинади.

Биз тушак бедовлардан
 Неваралар минади.
 Вақти келса фалакда
 Қуёш ҳам беркинади.
 Биз ётсак, бедовларни
 Неваралар минади.
 Соқол бўяш шарт эмас
 Исроф қилиб хинани.
 Бизсиз қолган бедовни
 Неваралар минади».
 Базм қизиган асно
 Амир чиқиб ташқари
 Отини елдирибди —
 Тўғри навкарлар сари
 Йиғиб қирқ ёш йиғитини
 Бир адирга тўлабди.
 Хар бирига син солиб
 Сўзга оғиз жуфтлабди.
 «Хозир жангда кучингиз
 Кўрсатмоқлик пайтингиз.
 Тунда қилиб қаттиқ жанг
 Зафар олиб қайтингиз.
 Ота ўрни ўғилга,
 Она ўрни қизини.
 Беклар сўрар истеъфо
 Энди навбат сизники!»
 Еш бекларнинг кўнглида
 Бордир ёшлик ҳаваси.
 Боз устига амирнинг
 Қўллагувчи дуоси.
 Еш бекларнинг беллида
 Қувват ётар қисилиб.
 Димоғлари илғайди
 Ғалабанинг исини.
 Еш бекларнинг билаги
 Қалқон билан қилгичда.
 Юраклари тўлгандир
 Зафар истаб илннжда.
 Кеч бўлса ҳам ўтган соз
 Хатоларни тузатиб
 Амир қайтибди жангга
 Еш бекларни кузатиб.
 Қалъада лашкар ёвни
 Қора қонга қораркан,
 Чодирда эса бу пайт
 Базм қизиб бораркан.
 Қари беклар маст экан
 Юртга қайтиш шавқидан.
 Қутилди дея кўнгли
 Соғинчларнинг тавқидан.
 Тонгда карнай янграбди:
 — Ғалаба-а-а-а!!!
 Беклар ҳайрон,
 Енгилмас қалъа эса
 Етармиш бўлиб вайрон.
 Еш бекларга амир кўп
 Мақтовларни айтибди.
 Кекса беклар шу кунин
 Юрт томонга қайтибди.
 Тўй-томоша бўлибди
 Самарқанди азимда
 Бир малика шодмасмиш
 Бундай катта базмда
 Вонси амр қайтмай
 Ешлар билан қолибди.
 Янги фатҳ истаб йўлини
 Кунботарга солибди.
 Соғинч билан орадан
 Утармиш кунлар, ойлар,
 Иттизормиш малика
 Амир йўлини пойлаб...

ОЛЛОЕР

Иттизор Малика

ЭРТАК—ДОСТОН

Сўзга оғиз жуфтлабди:
 «Нима қилсак бу қалъа
 Забт этлар, айтингиз?!
 Уани кўрсатмоқ учун
 Келди айни пайтингиз».
 Беклар сукут ичида
 Эгадилар бошини.
 Баъзилари ўтганмиш,
 Пайгамбарнинг ёшини.
 Икки ўтнинг ичида
 Беклар турган пайти жим
 Сўз бошлабди оҳиста
 Мункиллаган мунажжим:
 «Шоҳим ҳар бир
 амрингиз.
 Вожиб эрур биз учун
 Майли бир қошиқ қоним
 Фидо бўлсин сиз учун.
 Мадҳингизга бахшилар
 Бўтадайин сўзлади.
 Қирқ йил сизга юлдузлар
 Ғозийликдан сўзлади.
 Энди улар ўзгариб
 Буржлар ортига қайтмиш.
 Таъбири: юртга қайтиб,
 Жангни тўхтатар
 пайтмиш».
 Амир тинглаб сабри,
 Бўмабди унинг сўзини.
 Наҳот нури соб бўлди
 Порлоқ толеъ юлдузини,
 «Майли жавоб, гап бўлса
 Инғиласиз, айтаман».
 Бетламабди амир ҳам
 Жанг бошлашни қайтадан.
 Тун билан бу ҳолни
 Амир хатга битибди
 Тонгда чопар қўлига.
 Яширинча тутибди
 «Маликага элт бунин,
 Тулпорингни елдиригин
 Хаялламай жавобин
 Ўз қўлимга келтиргин».
 Чопар ҳам турганмишкан
 Она-юртин соғиниб,
 Илдам ошиб борибди
 Юртнинг юксак тоғини.
 Малика эса бу пайт
 Оқ рўмоли бошида
 Алда айтармиш жажжи
 Невараси қошида.
 Тавозе билан чопар
 Унга мактуб тутибди.
 Сўнг ўтиб бир чеккага
 Жавобини кутибди.
 Чунки чопар кун ботмай
 Қайтмоқликни кўзлармиш.
 Маликага эса хат
 Утмиш ҳолни сўзлармиш.
 Демак, бу кекса беклар,

Бундаги гуллар тани
 Эр қўлига зор дегин.
 Вақт бемалол, ўзингни
 Уринтириб толдирма.
 Умри ўтган гулларни,
 Барини ол, қолдирма.
 Урнинга тик янғисин
 Боғ тўрида улар мўл».
 Шундай деб малика
 Саройга олибди йўл.
 Чопар кулмиш ичида
 Маликанинг ишидан:
 «Дарди — гул. Минг
 қилса ҳам
 Хотин хотин киши-да!»
 Тонгда чопарни чорлаб
 Малика, бошлабди сўз:
 «Невара иситмалаб
 Юмдирмади сира кўз.
 Онҳазратнинг мактуби
 Жавобсиз қолар бўлди.
 Вақт ўтмасин, сен илдам
 Танобини торт йўлинг».
 Яна йўл, яна сафар
 Чопар учар мисл ўқ.
 Келганди мактуб билан
 Қайтар, жавоб эса йўқ.
 Нур қуярмиш аёвсиз
 Кўкда жануб қуёши.
 Йўл тортиб чопар лол
 Кифтда омонат боши.
 Ичи қизир, лаби шўр
 Тер қоплабди манглайин
 Кунинг қизгин ҳавоси
 Қургатибди танглайин.
 Хаёт ёки момотмиш
 Икки манзил ораси.
 Кўринибди олисдан
 Қароргоҳнинг қораси.
 Барқут чодир пойида
 Чопар ерин ўлибди
 «Жавоб қани?» — деб
 амир
 Ўз ўридан қўшибди.
 «Кечинг қошиқ қонимдан,
 Мен гуноҳдор. Мен осий.
 Келтиролмадим жавоб
 Шундан шунга йўл босиб.
 Йўлим усти бирор жон
 Бергани йўқ зинҳор панд.
 Фақат малика буткул
 Неварага эмиш банд».
 «Наҳот бирор аниқ сўз,
 Ишора йўқ, сўйлагин?!
 Эсингдан чиққан бирор
 Иш бўлгандир?
 Уйдлагин!»
 «Иш дейсизми?! Бўлганди
 Тилим бормас айтгани...»
 Ва айтибди боғда гул

Ўқу ҚИЗИК ЎН БИР Ёшли студент

Савелий Косенконинг номи
 Гиннеснинг рекордлар
 китобидан жой олди. У бор-
 йўғи ўн бир ёшга тўлгани-
 да Техника дорилфунуни-
 нинг (собиқ Бауман номида-
 ги МОТД) студенти бўлди.

Математик-дастурчи бўлиб хизмат қиладиган онаси ўғлининг тарбиясини боғчага ҳам, мактабга ҳам топширмаган. Савелийнинг ягона тарбиячиси ҳам, устози ҳам ўзи бўлган. Унинг отаси эса Москвадаги олий ўқув юртидан бирида физика фанидан сабоқ берди.

Савелий 2 ёшли чоғидаёқ ўқишни билар, 3 ёшида тўрт усулли арифметик амалларни бажара оларди. 5 ёшида Жюль Верни тўлиқ ўқиб чиқди. 7 ёшда ўзи ясаган компьютерда программалар туза бошлади. Мактабга қабул қилиниши чоғида у 5-синф имтиҳонларини олдиндан муваффақиятли топширишга муваффақ бўлди. 10 ёшида мактаб дастурини тўлиқ эгал-

Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, машҳур рекордчилар китобидан шу пайтгача қайд қилинган энг ёш студент Уильям Томсон (1824—1907) бўлган. Кейинчалик эса инглиз физиги лорд Кельвин бўлган. У 10 ёшда 4 ойлик чоғида Глазго дорилфунунига ўқишга кирган.

Қизим МАРҲАБОХОН!

Сени 13 ёшга тўлишинг, ҳамда мучал байрамнинг билан чин қалбдан табриклаймиз. Аъло баҳоларга ўқиб, келажақда ҳақиқий инсон бўлиб етишинга тилакдошимиз. Даданг Абдулхоби, онанг, аканг ва опаларинг.



Наманган вилояти, Уйчи тумани, Бобур жамоа ҳўжалиги, Андижон кўчаси, 11-уй.
УРИНОВлар оиласи.

Меҳрибон қизимиз ГУЛМИРАХОН!

Сени 11 баҳоринг билан оиламиз аъзолари номидан чин юракдан қутлаймиз. Сенга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.
НАРЗИЕВлар оиласи.



Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Бўстон давлат ҳўжалиги.

Суюкли фарзандимиз САНЖАРЖОН!

9 ёшинг муборак бўлсин. Барча орзу ниятларинг ҳақиқатга айланишига тилаймиз.
ҚОРАБЕКОВлар оиласи.



Сурхондарё вилояти, Шўрчи шаҳри, Шўрчи дон маҳсулотлари комбинати посёлкаси.

Қувончимиз МАТЛУБАХОН!

Сени барча оила аъзоларимиз қўшув айёминг билан чин қалбдан табриклаймиз. Ўқишларинг ҳар доимгидек аъло бўлсин. Ўйлаган барча орзуларинг ушалишига тилакдошимиз.
ҲАМДАМОВлар оиласи.



Тошкент вилояти, Бекобод тумани.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Бош муҳаррир: Акром БЕРДИМУРОДОВ

Таҳрир ҳайъати:
 В. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), А. КУЧИМОВ, М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Т. КАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ (масъул котиб).

Табсис этувчи:
 ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ
 МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ
 Бизнинг манзилгоҳимиз:
 ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083,
 ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЙ.

Газета ҳафтаинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Маълумот учун телефон: 32-54-21

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмаҳонаси.
 Тошкент шаҳри, 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй
 Чоп этиш вақти — 18.00.
 Буюртма № Г-27. Нашр кўрсаткичи 64563.